

"INTELECT" янгича ёндашув лойиҳаси

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти талабаларидан ташкил топган "Ирригатор" жамоаси "Зиё ФорумУз" илм-маърифатни ривожлантириш фонди томонидан ташкил етилган янги "INTELECT" лойиҳасида иштирок етиб, Тошкент шаҳар Олий таълим муассасалари ўртасида 2-ўринни қўлга киритди. Ушбу лойиҳани бошқа интеллектуал ўйинлардан афзаллики, талабалар нафақат саволларга жавоб топиш учун ҳаракат қилишади, бу лойиҳа давомида ҳозирги кунда долзарб бўлиб келаётган, ёшларга, жамиятга фойдали бўладиган, амалга оширилса самарали бўлган лойиҳалар билан чиқиб тақдимот ҳам қилиб бериши лозим. Ушбу лойиҳа давомида институтимиздан иштирок етган талабалар, Юртимизда китобхонликни оммалаштириш, китобхонлик маданиятини шакллантириш юзасидан янгича лойиҳа тақдим етишди. Лойиҳа ҳозирги кунда кам ҳаражат ва Юртимизда Ёшларга қулайлиги учун, барча институтлар ичида енг маъқули деб топилди. Лойиҳага Иштирокчилар қисқача шундай изоҳ беришади: бу лойиҳада, китоб ўқиш орқали сиз хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳаражатларингизни камайишига еришасиз. Сиз, энди олган китобни биринчи ва охириги егаси бўлмайсиз, сиз уни қайтариб топшириб, бошқалар ўқиши учун имконият яратиш билан бир қаторда, ўзингизга янги китобни 80% чегирма билан олиш имкониятини қўлга киритасиз. Ҳиндистон тажрибасини таҳлил қилган ҳолда, сартарошхонада ўқиган китоб ҳажми ёки муддатидан келиб чиқиб сизга белгиланган нархлардан чегирма қилиб берилади. Дўстона руҳда ўтган янги лойиҳада институтимиз Ёшлари лойиҳа ташаббускори ҳамда лойиҳанинг биринчи иштирокчиларидан бўлишди.



ТИҚХММИ матбуот хизмати